

ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ МАЗМУН МОҲИЯТИ

Қосимов Азимжон Санакул ўгли

Эргашова Зебинисо

Жиззах давлат педагогика институти,

“Мактаб менежменти” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада давлат хизмати ва давлат хизматчиси тушунчаларига олимлар томонидан берилган таърифлар, ҳамда Ўзбекистонда ва кўплаб хорижий давлатларда давлат хизмати ва хизматчиси тўғрисидаги қонунлар, шунингдек уларнинг хуқуqlари, мажбуриятлари, қандай ишга олинишлари, уларнинг принциплари ҳакида қисқача маълумот берилади. Шунингдек, Ўзбекистонда яқинда қабул қилинган давлат хизматчиси тўғрисидаги қонун ҳакида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Давлат хизматчиси, давлат хизмати, давлат аппарати, давлат органи, нодавлат, сиёсий хуқуқ, сиёсий садоқат, протседура, принцип, рақобатбардош. Қонунийлик, электрон хукумат

КИРИШ ҚИСМ

XX асрда давлат бошқарувига доир муносабат ўзгарди. Давлат халқ ҳокимиютигининг ифодаси бўлди. Инсон хуқуqlари ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг бош вазифасига айланди. Энди давлат фуқароларга хизмат қилишнинг устувор вазифасига айлантириди. Ҳокимиютининг шахс эркинлигини бу тарзда эътироф этиши давлат-фуқаролик хизмати билан боғлиқ муносабатларни вужудга келтирди. Ривожланган давлатларда давлат хизмати алоҳида ташкилий-хуқуқий асосларга эга бўлди. Ўзбекистонда ҳам давлат хизматига доир ташкилий-хуқуқий ислоҳотларга сўнгги йилларда кенг ўрин берилди. Алоҳида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги тузилди. Давлат бошқарувига ишга киришнинг меритократик тизими яратилди. "Давлат хизмати тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш учун жиддий

қадамлар ташланди. Шундай экан бугунги кунда давлат хизмати ва у билан боғлиқ муносабатларни барча билиши зарур ҳисобланади.

“Давлат хизмати”- давлат органларида ҳокимият ваколатлари доирасида давлат олдида турган функция ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган меҳнат фаолиятидир. Айни вақтгача “давлат хизмати” тушунчасига кўплаб таърифлар берилган. Масалан, профессор Б.М.Лазарев “Давлат хизмати” тушунчасини “Давлат хизмати - бу давлатга хизматдир, яъни давлат органларида, давлатнинг функция ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган, давлатдан олинадиган кўрсатмалар, йўл-йўриқлар ҳамда тўланадиган маош учун бажариладиган фаолиятдир”, дея таърифлайди. Ёки хукуқшунос Ю.М.Буравлев фикрича: “Давлат хизмати - давлат аппаратининг амалдаги қонун хужжатларига асосланган ташкилийтаркибий тузилиши ва мазкур аппарат ходимларнинг (давлат хизматчиларининг) жамият эҳтиёжларини қондириш, шахс хукуqlари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш мақсадида давлат бошқаруви вазифаларини бажариш борасидаги фаолиятидир”. Яна бир хукуқшунос олим В.М.Манохин бўйича давлат хизмати - давлат органлари ва бошқа ташкилотларни ташкил этиш ҳамда хукуқий тартибга солиш бўйича давлат фаолиятининг бир бўлаги ҳисобланади. Давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти эса давлат олдида турган вазифа ҳамда функцияларни амалга оширишга қаратилади.

Давлатнинг фаолият кўрсатиши, давлат аппарати ва давлат хизматининг ҳолати мамлакат аҳолисида унга нисбатан тасаввурларини пайдо қиласи. Давлат номидан ҳаракат қилаётган хизматчига ёки давлат аппаратига баҳо берилади. Шу сабабли ҳар бир давлатда давлат хизматининг қандай шакллангани муҳим ҳисобланади.Юридик адабиётларда инсонлар томонидан амалга ошириладиган итимоий фойдали меҳнат фаолияти фуқаролар, жамият ва давлат манфаатлари йўлида турли давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан қонун хужжатлари доирасида амалга ошириладиган

хатти-ҳаракатлар сифатида таърифлаб ўтилган бўлиб, шартли равища бир неча гурухларга бўлинган:

-товарлар, моддий бойликлар ишлаб чиқариш, маълум бир хизматлар кўрсатиш;

-номоддий (маънавий) бойликлар яратиш (масалан китоблар, мақолалар ёзиш, кино ва видеофильмлар яратиш, сценарийлар тайёrlаш);

-итимоий-маданий (таълим, соғлиқни саклаш, маданият, меҳнат ва аҳолини итимоий муҳофаза қилиш) соҳаларини бошқариш;

-давлат хизмати, жамиятнинг барча соҳаларида фаолият кўрсатиш;

-итимоий-маданий фаолият(таълим бериш, соғлиқни саклаш ва ҳоказолар);

-иктисодиёт (саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш) соҳаларини бошқариш;

-маъмурий-сиёсий (мудофаа, давлат хавфсизлиги, адлия, ички ишлар, ташқи ишлар) соҳаларни бошқариш;

-нодавлат, жамоат, диний, халқаро, хорижий ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатиш;

-жамиятнинг турли соҳаларда маълум бир эҳтиёжларини қондириш мақсадида ижтимоий фаолият билан шуғулланиш ва бошқалар¹.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Давлат хизмати” тушунчаси бошқа давлатларда қандай талқин қилиниши барчага бирдек қизиқ бўлса керак. Давлат хизмати тушунчаси хорижий давлатларда деярли бир хил талқин қилинади. Ҳар бир давлатда давлат хизмати тушунчаси қонун доирасида аниқ белгиланган бўлиши шарт албатта. Кўплаб давлатларда давлат хизмат муносабатларни тартибга солишга қаратилган кўплаб қонунлар қабул қилинган. Масалан, Россия Федератсиясининг 1995-йил 5-июлда қабул қилинган “Россия

¹ Хожиев Э. Т. Давлат хизмати : ўқув қўлланма / Э. Т. Хожиев, Г. С. Исмаилова, М. А. Рахимова. – Тошкент: 2015. - 172 б.

Федератсиясида давлат хизматининг асослари тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасида давлат хизмати - давлат органлари ваколатларини таъминлаш бўйича олиб бориладиган профессионал фаолият сифатида таърифланган. Юқорида давлат хизматига берилган таърифдан унинг бир нечта хусусиятлари келиб чиқади:²

-давлат хизмати профессионал фаолият, яъни давлат хизматчисининг давлат олдида турган вазифа ва функцияларини амалга оширишга қаратилган фаолиятдир;

-мазкур фаолиятни олиб бориш жараёнида давлат органларининг ваколатлари амалга оширилади;

-бу фаолият давлат органларининг фаолият юритишини таъминлашга қаратилган;

-бундай фаолият мансаб мажбуриятларининг ижро этилишини таъминлайди.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, ушбу қонунда Давлат хизмати тизимини давлат фуқаролик хизмати, ҳарбий хизмат ва ҳукуқни муҳофаза қилиш органларида амалга ошириладиган хизмат ташкил этади.

Беларус Республикасининг 2003-йил 14-июнда қабул қилинган “Беларус Республикасида давлат хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасига биноан давлат хизмати деганда давлат мансабини эгаллаб турган ҳолда давлат ҳокимияти ваколатларини бевосита амалга оширишга ва давлат органлари функциялари бажарилишини таъминлашга қаратилган профессионал фаолият тушинилади.

“Давлат хизмати” тушунчаси Европа Иттифоқи мамлакатларининг деярли барча конституцияларида қўлланилади. Аммо, Буюк Британия ва Ирландия истисно қилинади. Буюк Британияда шу билан бирга “ёзма” конституция мавжуд эмас ва ушбу мамлакатда кўплаб норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва давлат хизматининг принциплари ўрнатилган.

² Узбекистон Республикасининг 1993-йил 2-сентябрда қабул қилинган Судлар тугрисидаги 942-12-сонли Қонуни. Узбекистон Республикасининг 2000-йил 14-декабрда қабул қилинган 162-2-сонли Қонуни тахририда

Шунингдек, унинг Конституциявий асослари мавжуд. Давлат хизматини ташкил этишда Буюк Британия ҳукумати Комиссияси АҚШ ва Франция тажрибасига таянган.

Француз давлат хизматчилари Буюк Британия, Германия ва АҚШ давлат хизматчиларига қараганда кўпроқ сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларга эга. Бошқача айтганда ушбу мамлакатларнинг маъмурий қонуни нафакат амалдорларнинг профессионал фаолиятини балки уларнинг сиёсий садоқатини ҳам тартибга солади. Франсияда эса аксинча. Франсияда чет эл фуқароси давлат хизматчиси бўлолмайди. Германияда расмий хизмат кўрсатиш учун зарур касб таълими хизмат кўрсатиш даражасига мувофиқ белгиланади. Америка Кўшма Штатларида давлат хизмати рақобатбардош ва экскулюзив тарзда бўлинади. Барча давлат хизматчиларининг 90% дан ортиғи рақобатбардош имтиҳонларда танлов орқали ўтади. Буюк Британияда бошқа давлатлардан фарқли равища замонавий давлат хизмати институти яқинда ислоҳотдан кейинги асрнинг 70-йилларида ишлаб чиқилган. Давлат хизматчиларининг асосий талаби содиқлик ҳисобланади. Ишга қабул қилиш давлат хизматининг комиссиясининг ваколатига киради. Умумий ёзма имтиҳонлар давлат хизматининг асосий шарти сифатида жорий этилди³.

Франция давлат хизматини ташкил этиш ёллаш тизимини ёпиқ давлат хизмати ва мартаба тизимини бирлаштиради. Шундан келиб чиқиб давлат хизматчилари иккита катта гурухга бўлинган:

1. Ёллаш учун давлат идораларда ишлайдиган мансабдор шахслар бўлмаган хизматлар. Бунга соатига ва шартнома асосида ишлайдиганлар, стажёрлар киради.

2. Доимий равища давлат хизмати тизимида ва унинг таянчининг таркибий қисмларида ишлайдиган расмий ходимлар.

³ Хожиев Э. Т. Давлат хизмати : ўқув қўлланма / Э. Т. Хожиев, Г. С. Исмаилова, М. А. Рахимова. – Тошкент: 2015. - 172 б.

Полшада 90-йилларда маъмурий ислоҳотлар маъмурий фаолиятни комплекс қайта қуриш учун ўтказилди. Давлат бошқаруви асосий тармоқларни қамраб олувчи турли соҳаларни ажратди. Вазирлар амалдаги ҳукумат учун эмас, балки муайян йўналишларда сиёsat ва стратегия учун жавобгардир. Давлат бошқарувининг турлари даражаларда мураккаб маъмурий протседура йўқ қилинди. Полшада давлат хизматининг асосий принципи давлат бошқарувининг шаффоғлиги ҳисобланади. Давлат хизматчилари шартнома асосида ишлайдиган давлат хизматчилари ва давлат хизматчилари ишлаётган давлат хизмат кўрсатувчи ходимларга бўлинади.

Австрияning давлат хизматчиларининг давлат фуқаролари жамият фуқароларининг XVIII асрда давлатга хизмат қилиш мақсадида ушбу хизматни яратганидан бери давлат хизмати қатъий тартибга солинади. Янги қабул қилинган хизмат расмий равишда бошқарувига бўйсуниши ва расмий маълумотни ошкор қиласлик учун топшириш маросими томонидан ўтказилади⁴. Давлат хизматчилари уюшмалар ва бирлашмаларнинг аъзоси бўлиши ёки уларнинг йўқ қилинишига номувофиқ деб ҳисобланадиган фаолият билан шуғулана олмайдилар.

Япония Конституцияси фуқароларнинг давлат хизматидан тенг кириш тамойилларини мустаҳкамлади. 1947-йилда Японияда қабул қилинган давлат хизматлари тўғрисидаги қонунда давлат хизматини, касбий тайёргарлиги ва бизнес фазилатларига мувофиқ тан олинган шахслар томонидан танлов имтихонлари деб номланади. Кириш имтихонининг мақсади инсонларнинг ўша пайтда давлат хизматининг функцияларини бажара олиш ва бажара олмаслигини текшириш. Имтихонлар ёзма ёки оғзаки бўлиши мумкин. Рақобат амалиёти “очиқ эшиклар” тамойилига мувофиқ ташкил этилади: уларнинг вақти ва жойи оммавий ахборот воситалари орқли эълон қилинади. Танлов текширувларининг мазмуни баъзи давлат идоралари учун бир хил. Текширувларни ташкиллаштириш ходимлар кенгашига тайинланади. 11

⁴ Козирин А.Н.Хорижий мамлакатларда давлат бошқаруви ва ва маъмурий ислоҳотлар. Кулланма/ 2006.-287-бет

декабр куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси йиғилишида «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМАЛАР

Қонун лойиҳасининг мақсади давлат органлари фаолиятида давлат фуқаролик хизматининг давлат сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Унда давлат фуқаролик хизматига кириш, уни ўташ ва тугатишнинг ягона қоидаларини жорий этиш кўзда тутилган. Шунингдек, лойиҳада биринчи марта давлат фуқаролик хизматчиларининг мақоми институти жорий этилмоқда.

Қайд этилишича, хужжат лойиҳасидаги нормалар фақат давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозимларда фаолият юритаётган давлат фуқаролик хизматчиларига нисбатан қўлланилади.

Депутатлар қонун лойиҳасининг давлат фуқаролик хизматчиларининг хуқуқий ва ижтимоий ҳимоясига тааллуқли — ягона иш ҳақи тизими, рағбатлантириш ва жазо чоралари тартиби, ижтимоий та’минот, меҳнат қонунчилигига риоя этилишининг хуқуқий кафолатлари каби қоидаларини атрофлича кўриб чиқкан.

Муҳокамалар жараёнида қонун лойиҳасининг хизматчилар даромади ва мол-мулкини декларациялаш тизимини жорий этиш, давлат хизматида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш каби нормаларга ҳам э’тибор қаратилган.

Якунда лойиҳани қуий палатанинг яқин орада бўлиб ўтадиган мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қонун лойиҳаси илк бор 2020 йилнинг май ойида жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинган. Ўшанда ҳужжатда давлат хизматчилари ҳар йили даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этиши ва манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериши кераклиги қайд этилганди. Шунингдек, давлат хизматчилари меҳнатига ягона тизим асосида ҳақ тўланиши кўзда тутилганди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда давлат хизмати доимий ва узлуксиз жараён. Бугунги кунда давлат энг катта маъмурий институт ҳисобланади. Унинг асосий мақсади фуқароларга муносиб шарт-шароит яратиб беришdir. Давлат хизматининг ўзида бир қатор ҳукуқий муносабатлар мавжуд. Бундай муносабатлар ишга киришдан меҳнат шартномасини бекор қилишгacha бўлган мураккаб жараённи ўз ичига олади. Давлат хизматчиларининг мақоми, ҳукуқлари, эркинликлари, кафолатлари масалалари қонунчиликда алоҳида белгиланади.

Давлатнинг фаолият кўрсатиши, давлат аппарати ва давлат хизматининг ҳолати мамлакат ахолисида унга нисбатан тасаввурларни пайдо қиласди. Давлат номидан ҳаракат қилаётган хизматчига қараб давлатга ёки давлат аппаратига баҳо берилади. Шу сабабли, ҳар бир давлатда давлат хизматининг қандай шакллангани жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Давлат хизматининг тўғри ташкил этилиши давлатда қабул қилинадиган қонун ҳужжатларига ҳам боғлиқdir. Давлат-хизмат муносабатларининг қанчалик ҳукуқий тартибга солинганлик даражаси унинг ривожланиш тенденсияларини белгилаб беради. Давлатда мавжуд қонунчилик давлат хизматининг мазмuni ҳамда амалдаги ҳолатини кўрсатади.

Давлат хизмати тизимида қонун ҳужжатлари қанчалик мукаммал ишлаб чиқилганлиги ва уни амалга ошириш механизмининг тўғри ё‘лга кўйилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов давлат хизматчиларини тайёрлаш масаласининг долзарблигига эътиборни қаратар экан, қуйидагиларни алоҳида

таъкидлаганди: “Ҳаммамизга маълумки, бизда давлат – бош ислоҳотчи деган тамойил бор. Бугун шу иборани янгича тарзда, янгича мазмунда қўллаб айтадиган бўлсақ, асосий ислоҳотчи давлат ходими бўлиши керак. Ҳозирги кунда ислоҳотлар тақдирини, энг аввало, давлат ва ҳукумат идораларида масъул лавозимда ўтирган одамлар ҳал қилишини, бинобарин, улар шу масалага бевосита жавобгар эканини барчамиз чуқур англаб олишимиз шарт”⁵.

Шу боис давлат хизматчиларининг касбий фазилатлари, лаёқатлари, қобилиятлари ва шахсий имкониятларидан оқилона фойдаланиш давлат ҳокимиятининг, давлат ҳокимияти ҳар бир бўғинининг ва ҳар бир хизматчининг юқори даражада самарадорлигини таъминлаш йўналишларидан бири хисобланади

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Alimova, Q. (2021). FARZAND TARBIYALASHDA OTA-ONALARING ASOSIY XATOLARI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от <https://art.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/594>
2. Alimova, Q. (2021). УПРАВЛЕНИЕ ИННОВАЦИОННЫМИ ПРОЦЕССАМИ В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ. Джизакское инновационное образование, 1(1). извлечено от <https://education.jspi.uz/index.php/education/article/view/564>
3. Alimova, Q. (2021). ZAMONAVIY MENEJER FAOLIYATI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, (1). извлечено от <https://hp.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/920>

⁵ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч кимга, ҳеч қачон қарам бўлмайди. 13-том. – Т.: Ўзбекистон, 2005. Б.239.

4. Nazarov, T. (2021). TA'LIM TIZIMIGA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 1(4). извлечено от <https://phys-tech.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4423>
5. Alimova, Q. (2021). TA'LIM TIZIMIDA INNOVATSIYA JARAYONLARINI BOSHQARISH. Jizzax innovatsion ta'limi , 1 (1). <Https://education.jspi.uz/index.php/education/article/view/564>
6. Аблякимова, Р., & Alimova, Q. (2021). TA'LIMDA RAQAMLI IQTISODIYOT VA KORPORATIV BOSHQARUV. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, (1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1535>
7. Alimova, K. O. K., Toshboyeva, K. M. K., & Ungarov, B. T. U. (2021). TODAY'S STUDENT IS TOMORROW'S LEADER. *Scientific progress*, 2(2), 308-310. <https://cyberleninka.ru/article/n/todays-student-is-tomorrows-leader>
8. Alimova, Q. (2021). TALABALAR TURAR JOY MUAMMOLARI VA UNING YECHIMLARI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 1(3). извлечено от <https://phys-tech.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/3636>
9. Alimova, Q. (2021). PSYCHOLOGICAL PROPERTIES OF THE RICHBAR PERSON IN THE MANAGEMENT. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 1(3). извлечено от <https://hp.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/3651>
10. Isankulova , M. ., & Alimova, . Q. . (2021). YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATINI AMALGA OSHIRILISH MASALALARI. *Научно-просветительский журнал "Насставник"*, (1). извлечено от <https://phys-tech.jspi.uz/index.php/science/article/view/1180>
11. Ablyakimova, R. (2020). VIEW AND THEORIES ON FACTORS INFLUENCING MANAGEMENT DECISION-MAKING. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 11(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/1052.

12. Botirov, B. F., Usmonov, J., &Ablyakimova, R. I. (2021). Organization Of Tourism Services In Uzbekistan Based On The Combination Of National Styles And Modern Innovations. INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND CURRENT RESEARCH CONFERENCES, 53–57
13. Аблякимова, Р., &Alimova, Q. (2021). TA'LIMDA RAQAMLI IQTISODIYOT VA KORPORATIV BOSHQARUV. Журнал *Педагогики и психологии в современном образовании*, (1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1535>
14. Аблякимова, Р., &Usmonov, A. (2021). Умумтаълиммактабнисамаралибошқаришдаянгичаёндошув. Журнал *Педагогики и психологии в современном образовании*, (2). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1537>
15. Аблякимова, Р. (2021). НОДАВЛАТ МАКТАБЛАР ВА УЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОНДА РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ. Журнал *Педагогики и психологии в современном образовании*, (2). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1536>.
16. Аблякимова, Р. (2021). ИННОВАЦИОННЫЕ МЕТОДЫ ПРЕПОДАВАНИЯ В НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЕ. Журнал *Педагогики и психологии в современном образовании*, (2). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1527>.
17. Аблякимова, Р. (2021). O'ZBEKISTONDA IT SOHASINING LOKOMOTIVI. *Zamonaviyta 'limda Pedagogika Va Psixologiya Fanlari*, 1(3). Retrieved from <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4085>
18. Ablyakimova, R. I. (2022). THE ROLE OF WOMEN IN GOVERNMENT AND SOCIETY IN UZBEKISTAN. *MentalEnlightenmentScientific-MethodologicalJournal*, 2022(2), 1-9.
19. Nazarov, T. (2021). КРИТИЧЕСКОЕ МЫШЛЕНИЕ - ИДЕАЛЬНАЯ ОСНОВА ДЛЯ БУДУЩИХ ПРОФЕССИЙ. Журнал *Педагогики и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от <https://fll.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/459>

20. Toshboyeva, H. (2021). ZAMONAVIY MENEJER VA YETAKCHI. *Mup исследований*, 1(1). извлечено от <https://presedu.jspi.uz/index.php/journal/article/view/937>
21. Usmonov, A. (2021). IQTISODIY SAVODXONLIK VA IQTISODIY TA'LIMNING TARBIYAVIY AHAMIYATI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от <https://art.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1326>
22. B. F. Botirov, J. Usmonov, & R. I. Ablyakimova. (2021). Organization Of Tourism Services In Uzbekistan Based On The Combination Of National Styles And Modern Innovations . INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND CURRENT RESEARCH CONFERENCES, 53–57. Retrieved from <https://usajournalshub.com/conferences/index.php/iscrc/article/view/66>
23. Botirov, S. (2022). Рақамли иқтисодиётни шакллантириш жараёнида илмий инновацион фаолиятни шакллантириш . *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 1(4). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4793>